Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил 21 июль ШАНБА

№ 58 (13111)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2018 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ВА ШАҲАРЛАРДА АРЗОН КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР ҚУРИШ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини самарали амалга ошириш, аҳолининг шинам турар-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, фуқароларнинг фаровонлик даражасини янада ошириш ва тураржой шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, "Ипотека банк" АТИБ, Халқ банки АТБ, "Асака" АТБ ва "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБнинг (кейинги ўринларда иштирок этувчи тижорат банклари деб юритилади) 2018 йил 1 июлдан 2020 йил 1 январгача бўлган даврда 20 йил муддатга, 3 йиллик имтиёзли давр ҳамда биринчи 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида ипотека кредитларини:

а) қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун уй қурувчиларга дастлабки бадал:

0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган икки, уч, тўрт, беш қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) ва 2, 3 хонали бир қаватли арзон уй-жойлар учун – 10 фоиз миқдорида;

0,04 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган арзон уй-жойлар ва 0,06 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштириладиган 3, 4 ва 5 хонали арзон уй-жойлар учун – 25 фоиз миқдорида бўлишини назарда тутган ҳолда;

б) шаҳарларда ёш оилаларга, эски уйларда яшовчиларга ва тураржой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига дастлабки бадалнинг табақалаштирилган миқдорини амалиётга жорий этган ҳолда, арзон кўп квартирали уйларни ўртача 15 фоиз миқдоридаги дастлабки бадал билан сотиб олиш учун бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

иштирок этувчи тижорат банкларининг буюртманомалари бўйича тураржой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун арзон уйлар қуриш учун 20 йил муддатга, жумладан, дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 3 фоиз ставкали 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ва кейинги даврда иштирок этувчи тижорат банкларининг йиллик 4 фоиз миқдоридаги маржаси чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида, кредит линияси маблағларини Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури доирасида уй-жойлар қуришга мақсадли йўналтирган ҳолда миллий валютада кредит линиялари очсин;

ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни молиялаштириш учун 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча маблағлар йўналтирсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги:

шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш доирасида "Ўзбекистоннинг ипотека бозорини кенгайтириш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича Осиё тараққиёт банки билан бир ой муддатда музокаралар олиб борсин;

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда аҳоли билан мулоқот натижаларига кўра аниқланган қўшимча уй-жой ҳажмларини шакллантириш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қўшимча арзон уй-жойлар ва шаҳарларда кўп квартирали уйлар қуришни молиялаштиришга доир таклифлар киритсин;

2018 йил охиригача ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини молиялаштириш соҳасида халқаро молия институтлари (Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси) билан тузилган қарз битимларига ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

4. Кейинчалик "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖнинг йиллик 5 фоиздан юқори бўлмаган ставкаси бўйича кредит линияси очилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ депозитига йиллик 3 фоиз ставка бўйича жорий йил 1 ноябргача жойлаштириладиган 210 миллиард сўм миқдоридаги вақтинча бўш маблағлари импорт ёғоч-тахта материаллар ва том ёпиш учун темир листларни харид қилиш манбаи этиб белгилансин.

5. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖ иштирок этувчи банклар билан биргаликда:

Ислом тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК" МЧЖ ҳисоб рақамларида жамланган, 2015-2017 йилларда шакллантирилган уй қурувчиларнинг дастлабки бадалларини икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирсин;

ҳар ярим йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига аввал аҳолига ажратилган кредитлар муддатидан олдин қопланганн тўғрисида ахборот киритсин ва вазирлик билан келишган ҳолда ушбу маблағларни уй-жойлар қуришга йўналтирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 июль

Фармон ва ижро

*Юртимизда уй-жойни сотиб олиш ва қуришнинг қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамай, ўзбошимчалик билан иморат қуриб олаётганлар сони кўпайиб кетди. Албатта, бу ҳолатлар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Узоқ йиллар давом этиб келган бу жараёнларда биринчи навбатда жойлардаги маҳаллий ижро, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг ҳам айби бор.*

## ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ИМОРАТЛАРГА

### *эгалик ҳуқуқи қай мезонлар асосида берилади?*

Яшириб нима қилдик? Кўп марта эшитганмиз: "Фалончи уй қуриш учун фалон фермердан ер сотиб олибди. Фалон фермер хўжалигининг шундоққина даласининг ёнига ўнта уй қурилибди", каби гап-сўзлар тез-тез овоза бўлиб турарди. Эндиликда шу каби ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида мутлақо янгича ёндошув амалга татбиқ этилмоқда.

Президентимизнинг "Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида"ги Фармони инсонпарвар сиёсатимизнинг юксак намунаси бўлди.

Одамларни қувонтирган, эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаган бу тарихий ҳужжат жойларда қизғин муҳокама этилмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири Бўстонлиқ қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Туман адлия бўлими томонидан ташкил этилган давра суҳбатида мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди. Унда "Кўчмас мулк ва ер тузиш кадастр" ДУК туман филиали ходимлари, бир қатор маҳалла раислари ва фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур фармон тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида жисмоний шахсларнинг қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан, яъни ўзбошимчалик билан қурилган якка тартибдаги уй-жойига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тартибини белгилайди.

Ушбу фармонда ўзбошимчалик билан қурилган тураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш назарда тутилган бўлиб, у 2019 йил 1 майга қадар амал қилади.

Мазкур акция шартига кўра, мулк ҳуқуқини эътироф этиш ва кадастр ҳужжатларини бериш учун ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳужжатларига мувофиқ тураржой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлиши зарур. Шу билан бирга, ўзбошимчалик билан қурилган иморат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузмаётган бўлиши, шунингдек, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зид келмаслиги ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслиги керак. Шунингдек, кўп қаватли уйларга ва уларга туташиб кетган ер участкаларига ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга, нотураржойларга нисбатан мулк ҳуқуқи белгиланмайди.

Давоми 2-бетда

Анжуман



*"Бугун биз дунёдаги узоқ-яқин давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, юртимиздаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилар эканмиз, бошқа соҳалар қатори оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тушунамиз. Оммавий ахборот воситалари сўзда эмас, амалда "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтарилиши зарур. Бу – замон талаби, ислоҳотларимиз талаби..."*

## ОАВ: сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши зарур

Давлатимиз раҳбарининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан йўллаган табригида қайд этилган ушбу фикрлар ортиқча изоҳга муҳтож эмас. Негаки, айни пайтда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар шиддати ва кўлами шу қадар тез ва улканки, айни вазият матбуот ижодкоридан тезкорлик, холислик билан бир қаторда фидойилик, касбий маҳорат ҳамда тажриба талаб этади. Шу билан бирга, жамиятда матбуотнинг ҳар бир таҳлилий-танқидий чиқишини онгли ва тўғри қабул қилиш, унинг бу борадаги интилишларини қўллаб-қувватлаш кўникмалари шаклланиши жоиз. Қолаверса, шиддаткор ахборот асрининг ўзи матбуотнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ва устувор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

Давоми 2-бетда

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

## ТИНЧЛИК, БАХТИЁРЛИК, ШУКРОНАЛИК БОҒИ

*Атлас "кийган" дарахтларни кўрганмисиз? Йўғ-а? Мен ҳам кўрмагандим. Бироқ, Чирчиқ шаҳрига борсангиз мана шундай ҳодисага гувоҳ бўласиз.*



Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат





Навоий шоҳкўчасида "Машинасозлар" номли истироҳат боғи бор. Боғга кираверишда йўлакнинг чап томонидаги қатор дарахтларга миллий матолардан чиройли сарполар кийдирилибди...

Биз бунинг сабаби билан қизиққанимизда, боғ асосан, болаларга мўлжалланганлиги учун улар қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, шу билан бирга, маданий ҳордиқ олиш учун келганларга кўтаринки кайфият улашиш мақсадида шундай манзара яратилганини айтишди. Боғга кўркамлик бағишлаб турган бу матоларга жажжи қизалоқчанинг ҳавас ва ҳайрат билан қараб турганини кўриб, очиғи, қувондик. Қаранг, атласларимиз ҳаттоки дарахтларга ҳам ўзгача бир латофат, нафислик бағишлаб турибди-я! Қандоқ яхши!

Давоми 4-бетда

Судлар фаолиятидан

*Яқинда Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг мажлислар залида ўтказилган анжуманда Президентимизнинг "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" китобининг мазмун-моҳияти судьялар ва суд аппарати ходимларига ўқув-машғулоти орқали тушунтириб берилди.*

## ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТЛАР САБОҒИ

Мулоқотда Жиноят ишлари бўйича вилоят суди раисининг ўринбосари Юсуп Ильхамов, суд бош мутахассиси Қобилжон Атаханов мавзу юзасидан маъруза қилди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг мазкур асарида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини чуқур англаш бугунги кунда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларида фаол фуқаролик позициямизни оширишга хизмат қилади.

Давоми 2-бетда

Имконият

*Янгийўл туманидаги "Янгийўл туман томорқа хизмати" МЧЖ юқори навли кўчат ва уруғ етиштириш, тарқатиш, зотдор чорва моллари етказиш, аҳоли томорқасига техник хизмат кўрсатиш, ўсимликларга кимёвий воситалар билан ишлов бериш хизматини ташкил қилиш, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланади.*

## ТОМОРҚА – ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ АСОСИ

Жамият фаолиятида Президентимизнинг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Куни кеча мазкур жамият томонидан жорий йилда аҳоли томорқаларида етиштирилган мева-сабзавот ва дуккакли маҳсулотларни қабул қилиш ва қадоқлаш ҳамда экспорт қилиш ҳажмларини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигига бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари, фермер хўжалиги раҳбарлари, маҳалла раислари ва фаоллари, томорқа эгалари иштирок этди.



Кези келганда таъкидлаш жоизки, "Янгийўл туман томорқа хизмати"нинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 минг 150 тоннага тенг бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш, харид қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларга экспорт қилиш имкониятига эга. Йиллик экспорт ҳажми 500 минг АҚШ долларига тенг жамиятда 2 минг тонна сиғимга эга омборхона ҳам бор. Бу ерда 20 нафар доимий ишчи, 20 касаначи меҳнат қилади.

Давоми 2-бетда

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат

# OAB:
## сўзда эмас, амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтарилиши зарур

Бошланиши 1-бетда

Бу фикрлар Бўка тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Халқ овози" газетаси таҳририятида бўлиб ўтган вилоят босма оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишланган анъанавий семинарда алоҳида таъкидланди. "Оммавий ахборот воситалари мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол тарғиботчиси" мавзуидаги анжуман вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда вилоят, туман ва шаҳар ижтимоий-сиёсий газеталари муҳаррирлари, ижодий ва техник ходимлари, соҳа мутахассис ва экспертлари иштирок этишди.

Семинарда республика Матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими Ў. Мирҳабибов, агентликнинг ҳудудий бошқармаси бошлиғи З. Эралиева, "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири F. Шералиев, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Нисо-полиграф" нашриёт-матбаа ижодий уйи бош директори А. Ярмуҳаммедов, "Оҳангарон ҳаёти" газетаси муҳаррири Б. Қобуловнинг кун тартибидаги масалалар юзасидан маърузаси тингланди.

Шунингдек, анжуманда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан туман ва шаҳар газеталари ўртасида эълон қилинган "Энг яхши таҳлилий-танқидий мақолалар" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди.

– "Дард устига чипқон" сарлавҳали мақолам мазкур танловда юқори баҳоланганидан мамнун бўлдим, – дейди Ўрта Чирчиқ тумани "Машъал" газетаси мухбири Отабек Исроилов. – Бундай рағбат, айниқса, биз, ёшларни ўз устимизда кўпроқ ишлашга, янада шижоат ва жасорат билан қалам тебратишга ундайди.

Дарвоқе, анжуманга мезбонлик қилган "Халқ овози" газетаси яна бир хайрли ишга қўл урибди. Газета муҳаррири, яқиндагина Президентимиз фармонига мувофиқ, "Шуҳрат" медали билан мукофотланган ҳамкасбимиз Гулжаҳон Ёмғуррованинг айтишича, кўп йиллардан бери таҳририят қошида ёш қаламкашларнинг маҳорат мактаби фаолияти йўлга қўйилган экан.

– Бундан бир ойча аввал Президент девонининг махсус ишчи гуруҳи томонидан туманимизда маънавий-маърифий ишларнинг аҳволи ўрганилганда, мазкур маҳорат мактабига муносиб шарт-шароитлар яратиш масаласи кўтарилиб, бу ишга туман ҳокимлиги эътибори қаратилган эди, – дейди муҳаррир. – Мана, ниҳоятда қисқа фурсатда ҳокимликнинг қўллаб-қувватлаши билан маҳорат мактабимизга алоҳида ўқув хонаси ажратилиб, тубдан таъмирланди ва замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ерда бўкалик ўнлаб ҳаваскор ўғил-қизларимиз маҳорат сирларини ўрганмоқдалар.

Анжуман иштирокчилари "Маҳорат мактаби" фаолияти билан ҳам яқиндан танишиб, унинг ишига муваффақиятлар тилашди.

**Ўз мухбиримиз**

# ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН ИМОРАТЛАРГА
## *эгалик ҳуқуқи қай мезонлар асосида берилади?*

Тадбирда ўзбошимчалик билан қурилган иморатларга нисбатан мулк ҳуқуқини олиш тартиби ҳақида ҳам тушунтириш бериб ўтилди. Таъкидланганидек, аввало, жисмоний шахс бу ҳуқуқни олиш учун иморат жойлашган ҳудуддаги Давлат хизматлари маркази орқали туман (шаҳар) ҳокимининг номига ариза билан мурожаат қилади. Аризага мурожаат этувчининг паспорт нусхаси, оила аъзолари ҳақида ҳамда ер участкасига эгалик қилган муддатлари ва иморат қурилган вақт тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномалари илова қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун Давлат хизматлари маркази томонидан йиғим ундирилмайди. Бир марталик акция доирасида тўланадиган бир марталик йиғим (энг кам иш ҳақининг 5 баравари) бундан мустасно. Мурожаат этувчи томонидан тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар Давлат хизматлари маркази ходими томонидан қабул қилинади ва бир соат мобайнида тизим орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналарининг туман (шаҳар) филиалларига юборилади.

Бошланиши 1-бетда

Ишчи гуруҳ ариза келиб тушгандан сўнг, уч иш куни мобайнида мурожаат этувчининг аризасида кўрсатилган жойга чиқиб, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни ўрганади. Унинг техник режасини шакллантиради. Сўнгра ушбу техник режани комиссия аъзоларига ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга электрон ҳамкорлик тизими орқали тақдим этади.

Ўрганиш натижалари бўйича аниқлик киритилиши лозим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса, улар комиссиянинг умумий йиғилишида узил-кесил ҳал қилинади. Бунда туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш бўйича хулосаси ҳисобга олинади.

Уч календарь куни мобайнида комиссия аъзоларининг хулосаларига асосан, кўчмас мулк объектини ўрганиш бўйича далолатнома расмийлаштирилади. Унда комиссия аъзоларининг хулосалари акс эттирилади ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш мумкин ёки мумкин эмаслиги қайд этилади.

Икки кун ичида комиссия раиси томонидан тасдиқланган далолатнома асосида мурожаат этувчининг ўзбошимчалик билан қурилган иморатига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳаси тайёрланиб, тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимига тақдим этилади. Шундан сўнг мурожаат этувчи ўзбошимчалик билан қурилган иморатига мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида Бўстонлиқ тумани адлия бўлими мутахассислари томонидан фуқароларга амалий маслаҳатлар ва ҳужжатларни тўғри тайёрлаш ҳамда юритиш тартиби тўғрисида маълумотлар берилди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# ҲАЁТИЙ ҲАҚИҚАТЛАР САБОҒИ

Бошланиши 1-бетда

– Бугунги ўқув-машғулоти биз учун жуда кўп нарса берди, – дейди девонхона мудири Жонибек Тангбоев. – Маърузачилар асарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда ҳаётий мисоллардан фойдаланганни самарали бўлди, деб ўйлайман. Айниқса, Президентимиз ўз асарларида буюк донишмандларимизнинг "Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди", деган фикрларига аҳолида ёндошув билан ўз муносабатларини билдириб ўтганликларидан ўзим учун зарур хулосалар олдим.





Ўқув-машғулоти давомида вилоятимиз ҳаётига оид, шу билан биргаликда, мамлакатимиз ҳамда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шарҳлаб ҳам ўтилди. Энг сўнгги янгиликлар муҳокама қилинди.

## ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон шаҳар суди раиси Абдулла Турапов шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан шаҳар "Маҳалла" хайрия жамоат фонди биносида очиқ мулоқот ўтказди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумда илгари сурилган масалалар атрофлича ўрганиб чиқилди. Мазкур ҳужжатдан келиб чиқадиган бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

## САЙЁР УЧРАШУВ

Жиноят ишлари бўйича Пискент тумани судининг раиси Азизжон Машарипов туман Марказий шифохонасининг шифокор ва ҳамширалари билан Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"-ги Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган сайёр учрашув ўтказди. Мулоқотда мазкур қонуннинг мақсади, коррупцияга оид тушунчалар, коррупцияга қарши курашиш принциплари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида зарур ва ҳаётий тушунчалар берилди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Ўз мухбиримиз**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар*

Танлов



# АЗИЗ АСРИМИЗНИНГ АЗИЗ АЁЛИ

*Хотин-қизларимизнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, ислоҳотлардаги фаол иштирокини таъминлаш ҳамда иқтидорларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш давлатимиз сиёсатининг муҳим бир йўналишидир. Бу борада жойларда кўплаб амалий ишлар олиб борилмоқда.*

Чирчиқ шаҳридаги офицерлар саройида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шиори остида "XXI аср аёли" Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг ҳудудий босқичларида ғолибликни қўлга киритган 6 нафар хотин-қиз 3 та шарт бўйича беллашишди.

– Бугун вилоятимиз хотин-қизлари ҳар жабҳада фаол, – дейди ЎзМТДП вилоят Кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. – Улар доно, билимдон, етакчи. Бу жиҳатлар нафақат оилада, фарзандлар тарбиясида, балки, жамият тараққиётида ҳам ўта муҳим.

Танлов якунида бекободлик ўқитувчи Гулруҳ Турсунқулова фахрли биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Олмалиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Шоҳиста Хидирова иккинчи ўринга лойиқ кўрилди. Учинчи ўрин эса мезбон шаҳардаги 25-сонли умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Замира Юсуповага насиб этди.

– Партиянинг фаол аъзоси сифатида кўпгина тадбирларда иштирок этиб бораман, – дейди беллашув ғолибаси. – Уйма-уй юрган вақтимизда санъатга, мусиқага қизиқиши юқори, бироқ оилавий шароити бунга монелик қилаётган ёшлар кўплигини аниқладик. Ташаббус кўрсатиб, улар учун турли йўналишларда бепул мусиқа тўгарагини йўлга қўйдик. Ҳозирда 80 дан ортиқ болалар ушбу тўгарак аъзоси. Мана шундай ташаббус ва таклифларим эвазига бугун ғолиб бўлиб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритганимдан жуда хурсандман.

Беллашув сўнгида иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

# ОБОД ХОНАДОН – ЮРТ КЎРКИ

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан ташкил этилган матбуот анжумани шу мавзуга бағишланди. Унда федерация ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.*

Миллий матбуот марказида

– Мақсадимиз ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, – дейди федерация раиси Жаҳонгир Саримсоқов. – Шу боис, юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 12 тасини танлаб олдик. Ушбу турар-жойлар федерация маблағлари ҳисобидан қайтадан қурилди ҳамда таъмирлаб берилди.

Тадбирда таъкидланганидек, аҳолининг муаммоларини ўрганиш ва уларни тизимли бартараф этиш учун сайёр қабуллар ҳам жорий қилинган.

Анжуман давомида чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқаролар олган амалий ёрдамлари учун миннатдорчилик изҳор қилганлиги ҳақида видеолавҳа намойиш этилди.

Тадбир сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Садоқат ТОШТЕМИРОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

# ТОМОРҚА – ФАРОВОН ТУРМУШИМИЗ АСОСИ

Семинарда "Янгийўл туман томорқа хизмати" томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Таъкидланганидек, туманда бўш турган собиқ Н. Ниёзов МТП объекти сотиб олинди. Аҳолини паррандачиликка жалб қилиш мақсадида хонадонларга 1000 та "Бройлер" зотли жўжалар тарқатилди. Шу билан бирга, чорва молларини боқиш истагини билдирганлар талаби ҳам қондирилди. Бундан ташқари, томорқа эгалари учун 85 минг туп сабзавот кўчати, 600 дона мевали дарахт кўчатлари етказиб берилди. Айни вақтда аҳоли томорқаларига енгил типдаги ихчам ва арзон 1-1,2 сотихли иссиқхоналар ва 50-60 та парранда боқишга мўлжалланган товуқхоналар қуриб бериш йўлга қўйилган.

Бошланиши 1-бетда

"Йўғонтепа" МФЙ ҳудудидан ўтувчи М-34 халқаро автомагистраль йўл бўйида кўчат, минерал ўғит сотишни йўлга қўйиш учун туман ҳокимлиги томонидан мазкур жамиятга 20 сотих ер ажратиб берилгани унинг имкониятларини янада кенгайтирди.

Ўқув-семинарда жамият томонидан белгиланган режалар ҳақида ҳам маълумот берилди. Яқин орада олинадиган 2,5 миллиард сўм имтиёзли кредит ҳисобидан аҳоли томорқаларига ишлов берувчи мини қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинади. Хонадонларда етиштириладиган экинлардан 100 тонна ловия, 110 тонна нўхат, 150 тонна помидор, 175 тонна саримсоқпиёз сотиб олиш учун шартномалар имзоланади. Олинган маҳсулотларни таъминотчи корхоналарга етказиб бериш ҳамда ички бозорларда сотиш режалаштирилмоқда.

Тадбирда туманда аҳоли томорқаларидан фойдаланишдаги мавжуд муаммоларга ҳам тўхталиб ўтилди. Томорқа ер эгаларининг бозорбоп ва ҳосилдор уруғлик, кўчатлар ҳамда зотдор чорва билан таъминлаш рисоладагидек эмаслиги, мавжуд сабзавот экинлари, мевалар ва узум ҳосилдорлиги пастлиги, қорамол зотларининг айниганлиги сабаблари таҳлил қилинди. Томорқада етиштириладиган маҳсулотларни харид қилиш тизимининг яратилмаганлиги аҳолига қийинчилик туғдираётганлиги таъкидланди. Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш, шунингдек, хонадонларда парваришланаётган парранда, чорва молларини касалликларга қарши эмлаш, зарур миқдорда ем-хашак билан таъминлаш хизматлари тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги қайд этилди.

Ўқув-семинар давомида мавжуд муаммо юзасидан соҳа мутахассислари, тажрибали фермер хўжалиги раҳбарларининг фикри, асосли таклиф ва тавсиялари муҳокама қилинди. Аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданиятини ошириш борасида зарур вазифалар белгилаб олинди.

**Салим АБДУҚОДИРОВ**


Реклама ва эълонлар

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ер комиссиясининг 20.02.2018 йилдаги 6-сонли, 27.03.2018 йилдаги 7-сонли, 04.04.2018 йилдаги 8-сонли ва 18.04.2018 йилдаги 9-сонли йиғилиш баёнларига асосан, Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент вилоятидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдоларига такроран қўйилмоқда:**

**Бекобод тумани:**

1. Бобур Мирзо номли маҳалла ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган дала дўкони биноси учун майдони 0,025 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 197 400 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 211 300 000 сўм;

2. Бобур Мирзо номли маҳалла ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси биноси учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 600 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 514 320 000 сўм;

3. Далварзин ҚФЙ, "Янги бозор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган минифутбол, волейбол, стол тенниси, шахмат ва шашка тўгараклари биноси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 947 304 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 491 573 000 сўм;

4. Маданият ҚФЙ, "Пастки керайит" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган сартарошхона ва гўшт дўкони учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 564 913 000 сўм;

5. Далварзин ҚФЙ, "Янги бозор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,2 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 578 841 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 673 816 000 сўм;

6. Гулистон ҚФЙ, "Кўрғон" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган қурилиш моллари дўкони учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 473 652 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 510 246 000 сўм;

7. Жумабозор ҚФЙ, "Бунёдкор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ипак қурти боқиш биноси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 768 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 245 000 сўм;

8. Жумабозор ҚФЙ, "Ўзбекобод" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,018 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 142 095 сўм, қурилиш муддати 5 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 154 000 сўм;

9. Қиёт ҚФЙ, "Уяс" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 321 100 000 сўм;

10. Маданият ҚФЙ, "Парчаюз" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган компьютер хизмати ва канцелярия моллари дўкони учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 367 120 000 сўм;

**Оҳангарон тумани:**

11. "Қуюн" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган болалар ўйингоҳи учун майдони 0,25 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 973 600 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 864 300 000 сўм;

12. "Гулобод" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 900 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 201 202 000 сўм;

13. "Ғаллақудуқ" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 236 900 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 260 400 000 сўм;

14. "Ёнариқ" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш ва савдо дўкони учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 900 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 212 513 000 сўм;

15. "Илғор" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 800 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 313 100 000 сўм;

16. Увак ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 769 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 864 300 000 сўм;

17. Дўстлик ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,003 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 23 683 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 198 310 000 сўм;

18. Телов ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони учун майдони 0,005 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 39 471 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 510 210 000 сўм;

19. Телов ҚФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 399 878 000 сўм;

20. Телов ҚФЙ, "Телов" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш биноси учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 394 710 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 688 546 000 сўм;


Давоми 3-бетда

Реклама ва эълонлар

Бошланиши 2-бетда

21. "Четсув" МФЙ, Четсув аҳоли пункти ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари учун майдони 0,16 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 263 073 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 789 112 000 сўм;

22. Қорахитой ҚФЙ, "Ёнариқ" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 35 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 27 630 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 150 974 000 сўм;

**Қуйи Чирчиқ тумани:**

23. "Балиқчи" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган қурилиш моллари ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,45 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 552 400 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 652 584 000 сўм;

24. "Мингчинор" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган замонавий типдаги икки қаватли дўкон ва сартарошхона учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 236 900 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 540 920 000 сўм;

25. "Кўксарой" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган умумий овқатланиш, озиқ-овқат дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда замонавий мини футбол майдончаси учун майдони 0,50 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 947 200 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 345 300 000 сўм;

26. "Дўстлик-1" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 394 800 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 620 860 000 сўм;

27. Янги ҳаёт ҚФЙ, «Янги ҳаёт» массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган хўжалик моллари дўкони қуриш учун майдони 60 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 41 188 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 67 120 000 сўм;

28. Тошовул ҚФЙ, "Тошовул" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган кичик футбол майдони ва спорт майдончалари ҳамда қўшимча бинолар учун майдони 0,8 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 6 315 366 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 972 498 000 сўм;

29. Янги ҳаёт ҚФЙ, "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони, умумий овқатланиш мажмуаси ва тикув цехи ҳамда сартарошхона учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 032 210 000 сўм;

30. Янги ҳаёт ҚФЙ, "Ан-Дон-Су" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган озиқ-овқат дўкони, умумий овқатланиш мажмуаси ҳамда сартарошхона учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 473 652 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 911 324 000 сўм;

31. Истиқлол ҚФЙ, "Нуробод" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 261 000 сўм;

32. "Сергели" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган ем-хашак сақлаш омборхонаси учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 210 934 000 сўм;

33. Дўстобод шаҳри, 1-сон ишчилар маҳалласи, Ифтихор кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган замонавий типдаги минифутбол майдончаси учун майдони 0,8 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 6 315 366 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 570 120 000 сўм;

34. Гул ҚФЙ, "Ўжакент" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган новвойхона учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 536 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 247 000 сўм;

35. Кетмонтепа ҚФЙ, "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларни ювиш шахобчаси, музқаймоқ ва салқин ичимликлари кафеси учун майдони 0,09 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 710 478 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 510 121 000 сўм;

36. Кетмонтепа ҚФЙ, "Мингчинор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган миллий қандолатчилик цехи учун майдони 0,1 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 710 201 000 сўм;

**Ўрта Чирчиқ тумани:**

37. "Қайтмас" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 4 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 240 112 000 сўм;

**Оққўрғон тумани:**

38. Ойтамғали ҚФЙ, А. Навоий номли массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари ва маиший хизмат шахобчаси учун майдони 0,09 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 650 601 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 738 999 000 сўм;

39. Оққўрғон шаҳри, "Мустақиллик" МФЙ, Чўлпон кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат сервис биноси учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 433 330 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 448 640 000 сўм;

40. Оққўрғон шаҳри, С. Сегизбоев номли МФЙ, "Истиқбол" маҳалласи бўйида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари ва спорт мажмуаси учун майдони 0,12 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 300 000 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 15 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 300 730 000 сўм;

**Бўка тумани:**

41. Намуна ҚФЙ, "Мирзабек" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш биноси учун майдони 0,87 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 5 972 140 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 20 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 620 340 000 сўм;

Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 90-уй манзилида 2018 йил 13 август куни соат 15.00 дан бошлаб топширилган таклиф ҳужжатлари очилади. Такрорий танлов савдолари 2018 йил 20 август, 27 август, 30 август ҳамда 6 сентябрь кунлари бўлиб ўтади.

## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлиги хузуридаги ер комиссиясининг 02.05.2018 йилдаги 10-сонли, 19.05.2018 йилдаги 11-сонли ва 05.06.2018 йилдаги 12-сонли йиғилиш баёнларига асосан, Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Тошкент вилоятидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш хуқуқи танлов савдоларига қўйилмоқда:**

**Олмалиқ шаҳри:**

42. "Ҳамза" МФЙ, 5/3-кичик ноҳияси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо мажмуаси қурилиши учун майдони 0,10 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 737 471 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 800 903 000 сўм;

43. С. Оллоёр номли маҳалла, Тотувлик (собик Китве) кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун майдони 0,10 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 737 471 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 800 990 000 сўм;

**Пискент тумани:**

44. А. Навоий номли маҳалла ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган дўкон биноси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 637 780 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 346 000 000 сўм;

**Оҳангарон тумани:**

45. "Ноғайқўрғон" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони учун майдони 0,012 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 94 731 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 164 300 000 сўм;

**Чиноз тумани:**

46. А. Темур массиви, А. Темур номли МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маҳалла гузари учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 249 175 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 298 791 000 сўм;

47. Эшонобод массиви, "Шалола" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,60 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 7 476 000 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 872 645 000 сўм;

**Ангрен шаҳри:**

48. "Гўзал" маҳалласи, Флейшмахер кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган тиббий диагностика, лаборатория хизматлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 521 242 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 389 400 000 сўм;

49. Облиқ қўрғони ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси қурилиши учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 389 977 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 621 100 000 сўм;

50. Красногорск қўрғони, Полетова кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 521 242 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 322 367 000 сўм;

51. Красногорск қўрғони, Мустақиллик кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 521 242 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 322 367 000 сўм;

**Қуйи Чирчиқ тумани:**

52. Беруний массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган оналар дам олиш жойлари ва болалар учун ўйингоҳ ускуналари ҳамда рангли фонтан қурилиши учун майдони 0,50 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 948 334 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 525 840 000 сўм;

53. "Уч чинор" (Гулистон) маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони қурилиши учун майдони 50 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 39 484 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 148 974 000 сўм;

**Чирчиқ шаҳри:**

54. "Мурувват" МФЙ, Ҳамкорлик кўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган хўжалик совуни ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 389 978 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 526 671 000 сўм;

55. 8-кичик туман, Бобур шоҳкўчаси ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган тиббий соғломлаштириш маркази қурилиши учун майдони 0,22 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 822 440 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 610 235 000 сўм;

56. Шестак кўчаси, 4-6-уйлар оралиғи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш курсларини ташкил этиш маркази қурилиши учун майдони 0,016 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 277 996 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 360 512 000 сўм;

**Янгийўл тумани:**

57. Ниёзбош қишлоғи, "Намуна" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган нон ишлаб чиқариш цехи ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун майдони 0,127 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 002 564 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 520 124 000 сўм;

58. "Аҳил" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда умумий овқатланиш ошхонаси, гўзаллик салони ва болалар майдончаси қуриш учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 768 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 213 000 сўм;

**Бекобод тумани:**

59. Улуғбек массиви, "Тераксзор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 536 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 391 573 000 сўм;

60. Меҳнатобод массиви, "Ёшлик" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган гўзаллик салони қуриш учун майдони 160 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 126 308 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 151 610 000 сўм;

61. Улуғбек массиви, "Тераксзор" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси" қуриш учун майдони 0,08 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 631 536 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 391 573 000 сўм;

62. Авангард массиви, "Бешюз" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган новвойхона ва сартарошхона қурилиши учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 236 826 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 173 816 000 сўм;

63. "Қорақўйли" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган 2 қаватли савдо дўкони қуриш учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 315 768 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 410 246 000 сўм;

64. Авангард массиви, "Бешюз" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони қуриш учун майдони 50 кв.метр бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 39 471 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 2 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 110 245 000 сўм;

65. Бекобод массиви, "Олтин водий" маҳалласи ҳудудида маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши режалаштирилаётган майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 274 101 000 сўм;

66. Ғалаба массиви, "Найман" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун майдони 0,15 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 184 130 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 724 350 000 сўм;

67. Улуғбек массиви, "Исфара" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларни ювиш шахобчаси қуриш учун майдони 0,10 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 789 420 сўм, қурилиш муддати 6 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 261 324 000 сўм;

68. Бекобод массиви, "Олтин водий" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони қуриш учун майдони 0,01 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 78 942 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 249 582 000 сўм;

69. "Тақачи" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 157 884 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 310 154 000 сўм;

70. "Янги ҳаёт" массиви, "Янги ҳаёт" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун майдони 0,015 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 118 413 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 221 100 000 сўм;

71. Далварзин қишлоғи, "Турон" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо дўкони қуриш учун майдони 0,055 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 434 181 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 4 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 461 112 000 сўм;

72. Бобур массиви, "Тақачи" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қуриш учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 394 710 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 361 127 000 сўм;

73. Зафар шаҳарчаси, "Гулистон" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган мини-маркет қуриш учун майдони 0,15 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 184 130 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 8 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 564 220 000 сўм;

74. Улуғбек массиви, "Қўрғон" маҳалласи ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган тўйхона қуриш учун майдони 0,39 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 3 078 738 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 211 200 000 сўм;

**Паркент тумани:**

75. Бошқизилсой ҚФЙ, "Навдак" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган таркибида маросимлар ўтказиш зали бўлган маиший маданий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун майдони 1439 кв.м бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 2 787 530 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 9 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 795 000 000 сўм;

76. Паркент ҚФЙ, "Самсарак-Навбаҳор" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 774 852 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 612 000 000 сўм;

77. Паркент ҚФЙ, "Гулбоғ" массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 774 852 сўм, қурилиш муддати 9 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 612 000 000 сўм;

78. Паркент шаҳри, "Истиқбол" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган таркибида аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ва спорт соғломлаштириш мажмуаси бўлган маҳалла гузари қурилиши учун майдони 0,28 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 5 423 964 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 12 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 1 210 000 000 сўм;

79. Хисорак ҚФЙ, Қуёш қўрғони ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган таркибида маросимлар ўтказиш зали бўлган маиший маданий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 162 278 сўм, қурилиш муддати 8 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 9 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 855 000 000 сўм;

80. Бўстон ҚФЙ, Бўстон массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун майдони 0,02 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 387 426 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 3 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 455 600 000 сўм;

81. Паркент ҚФЙ, «Бойқозон» массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган таркибида маросимлар ўтказиш зали бўлган маиший маданий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 162 278 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 7 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 756 950 000 сўм;

82. Паркент ҚФЙ, «Бойқозон» массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган таркибида маросимлар ўтказиш зали бўлган маиший маданий хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиши учун майдони 0,06 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 162 278 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 805 250 000 сўм;

83. Бошқизилсой ҚФЙ, "Шампан-Санганак" ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган омухта ем сотиш шахобчаси қурилиши учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 581 139 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 5 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 502 000 000 сўм;

84. Сўқоқ ҚФЙ, Чашма ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган маиший хизмат кўрсатиш (тикув цехи, гиламдўзлик) шахобчаси қурилиши учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 581 139 сўм, қурилиш муддати 7 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 10 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 550 000 000 сўм;

85. Паркент шаҳри, "Сой" МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси қурилиши учун майдони 0,05 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 968 565 сўм, қурилиш муддати 11 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 9 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 810 530 000 сўм;

**Зангиота тумани:**

86. Назарбек ҚФЙ, «Ҳаракат» массиви ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган қурилиш моллари билан савдо килувчи савдо дўкони қурилиши учун майдони 0,04 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 1 015 792 сўм, қурилиш муддати 12 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 6 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 955 00 000 сўм;

**Қибрай тумани:**

87. Чинобод қишлоғи, "Бўстон" маҳалласи, Бўстон кўчаси бўйида қурилиши режалаштирилаётган чеварлик (ателье мод) хоналари қурилиши учун майдони 0,03 Га. бўлган ер участкаси, минимал қиймати – 755 697 сўм, қурилиш муддати 10 ой, яратилиши лозим бўлган энг кам иш ўринлари 7 та, киритилиши лозим бўлган инвестициянинг энг кам миқдори – 570 950 000 сўм;

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми туман, шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача (13.00 дан 14.00 гача тушлик) қабул қилинади ва танлов савдолари бўлиб ўтишидан бир кун олдин 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг таклифлари солинган конвертлар Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй, 309-хонада қабул қилинади. Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 90-уй манзилида 2018 йил 27 август куни соат 15.00 дан бошлаб топширилган таклиф ҳужжатлари очилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган танлов кунида сотилмаса, навбатдаги танлов савдолари 2018 йил 30 август ва 6 сентябрь кунлари соат 15.00 дан бошлаб такроран бўлиб ўтади.

Танлов комиссияси томонидан талабгорларнинг таклифларини баҳолашда:

– талабгор таклифларини танлов ҳужжатларининг техник қисми бўйича, шу жумладан, лойиҳа эскизи;

– талабгорнинг ташкил этиладиган иш ўринларининг энг кам сони бўйича таклифи;

– талабгорнинг назарда тутилаётган инвестициялари ҳажми бўйича таклифи;

– талабгорнинг ишлаб чиқариш мўжалланаётган маҳсулот тури, ҳажми ва ассортименти ёки кўрсатиладиган хизматлар тури бўйича таклифи;

– талабгорнинг танлов предмети қиймати бўйича таклифи;

– лойиҳани талабгорнинг ўз маблағлари, шунингдек, кредит ресурслари ҳисобига молиялаштириш билан таъминланганлиги баҳоланади.

Зарурият бўлганда, танлов таклифларини баҳолаш учун комиссия томонидан қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин:

– охирги йил учун аудиторлик ташкилотининг (юридик шахслар учун) хулосаси (мавжуд бўлганда);

– охирги икки йил учун талабгорнинг бухгалтерия баланси (юридик шахслар учун);

– лойиҳани амалга ошириш учун бизнес-режа (мавжуд бўлганда).

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқ бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ХАТБ "DAVR BANK" Амалиёт бошқармасидаги ҳ/р.: 22604000604920609002, МФО 00981, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт.

Танлов ҳужжатлари энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридаги ҳақ эвазига олинади.

Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

– танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

– танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча вараклари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-2/4 мавзеси, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй, 309-хона. Тел.: (0371) 228-80-26. Электрон манзил: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru, интернетдаги сайт: www.1kms.uz**

*Лицензия № RR 0001*




# ТИНЧЛИК, БАХТИЁРЛИК, ШУКРОНАЛИК БОҒИ

Мазкур истироҳат боғида аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ўндан ортиқ замонавий аттракцион атрофидан болажонларнинг қадами узилмайди. Бундан ташқари, бу ерда болалар шаҳарчаси, мусиқали фаввора, декоратив шаршара, амфитеатр, турли кўнгилочар ўйинлар, фотостудия ва фотосалон, кафе, "Fast food" ҳамда музқаймоқ марказлари ишлаб турибди.

– Одамларни рози қилиш, айниқса, болалар қувончини кўришдан ортиқ бахт бўлмаса керак бу дунёда, – дейди шаҳар ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Маткаримов. – Шаҳримизда 3 та мана шундай маданият ва истироҳат боғи бор. Бу ердаги аттракционлар болажонларимизга мўлжалланган бўлиб, замонавий, қулай ва энг муҳими, мутлақо хавфсиз. Ота-оналар учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Аҳолининг асосан кечки пайт келишини ҳисобга олиб, кўп жойларга рангли чироқлар ўрнатганмиз. Сиз кўрган ўша "атлас кийган дарахтлар" ҳам тунда янада чирой очади. Мазкур кўнгилочар майдонни бунёд этишга 9 миллиард сўм маблағ сарфланган. Биз учун муҳими бу эмас. Асосийси, аҳоли ҳаётдан рози бўлиб, ҳар бир кунини мазмунли ўтказса, кичкинтойларимиз кулгуси доим эшитилиб турса, шунинг ўзи кифоя.

– Бу ерлар жуда қаровсиз эди, – дейди суҳбатдошимиз Абдураҳмон Раҳмонов. – Шу даражада чиройли бўлиб, аҳоли учун севимли масканга айланади, деб ҳеч ўйламагандим. Тўрт неварам билан деярли ҳар куни шу ерга келаман. Уларнинг қувончини кўрганимда ўзимни боладек бахтиёр ҳис этаман.

Дарҳақиқат, аҳоли кайфиятини уларнинг юз-кўзларидан билиб олиш қийин эмас. Кимдир фарзандини "автодром"да учираётган бўлса, яна кимдир неварасига музқаймоқ олиб бераяпти. Баъзилар эса ўриндиқда ўтириб, виқор билан отилиб чиқаётган фавворага термулиб, янграётган мусиқа оҳангида сирли хаёлларга чўмган.

Шўх-шодон чопиб юрган кичкинтойни тўхтатиб, гапга соламиз. Исмини Беҳруз деб таништирган бола ўзининг қизиқишларини айтиб беради.

– Ҳув, анавида учишни яхши кўраман, – дейди у "Паравозик" аттракционини қўли билан кўрсатиб. – Учувчи бўлишни хоҳлаганим учун у менга роса ёқади. Дадамнинг айтишича, агар мен унда учишни яхши ўргансам, катта бўлганимда зўр учувчи бўларканман... Юринг дада, учайлик, юринг...

Болакайларнинг бу каби эркалиги, шўх-шодон кулгисида тинчлик ва хотиржамликни, ота-оналарнинг қувончида ҳаётдан розилик, эртанги кунга ишонч, отахону онахонларнинг табассумида эса шукроналик ҳиссини кўриб, янги очилган боғдан олам-олам таассуротлар билан қайтдик.







**Эрали НОРБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
*Равшан МИРЗАҚУЛОВ сурат-лавҳалари*

Бошланиши 1-бетда

Болалар спорти

## «БИРОДАР АБДУРАИМОВГА ЎХШАГИМ КЕЛАДИ»

*Футбол. У ҳақиқатан ҳам миллионлар ўйини. Қувонарлиси, сўнгги йилларда мамлакатимизда спортнинг ушбу турини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётир. Ўз навбатида бу ғамхўрлик футболнинг болажонлар орасида янада оммалашиб, ихлосмандлари сони кескин ортишига туртки бўлаяпти.*

Мусобақа

– Тенгдошларимнинг кўпи Рональду, Мессиларга хавас қилишади, – дейди Янгийўл шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Умиджон Эргашев. – Аммо, мен машҳур "Пахтакор" ҳужумчиси Биродар Абдураимовга ўхшагим келади. Унинг иштирокидаги ўйинларни уйимиздаги видео архивларда кўрганмиз. Қолаверса, бир вақтлар Геннадий Красницкий, Михаил Ан каби футболчиларга тенг келадиганини топилмаганини дадамдан эшитганман.

Янгийўл шаҳрида 10-11 ёшли болалар ўртасида бўлиб ўтган очиқ футбол мусобақаси шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташаббуси билан ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказишни кўзлаб ташкил этилди. Шунингдек, мусобақанинг мақсади болалар футболини ривожлантириш ва ёш иқтидорларни аниқлашдир. Унда Янгийўл тумани ва шаҳрининг 8 жамоаси ғолиблик учун баҳс олиб борди.

– Эркин кураш, бокс, дзюдо, волейбол, футбол, шахмат каби спортнинг 11 тури бўйича машғулот олиб борамиз, – дейди мактаб директори Д. Қодиров. – Уларда 500 дан зиёд ўғил-қизлар ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланадилар. Футболга ихтисослашган 4 гуруҳ бўлиб, тарбияланувчилар тажрибали мураббийлардан футбол сирларини мукаммал ўзлаштирмоқдалар.

Қизғин ўтган беллашувда мезбонлар – Янгийўл шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби футбол жамоасига тенг келадигани бўлмади. Улар биринчиликни қўлга киритди.

Иккинчи ўрин туманнинг "Халқобод" жамоасига насиб этган бўлса, ниёзбошликлар учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолибларга махсус кубок ва эсдалик совғалари берилди.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**






## ГАЗ НАРХИНИНГ ОШИШИ СУВ МУАММОСИНИ ТУҒДИРМОҚДА

*Украина коммунал хизматлари хабарига кўра, газ нархининг кўтарилиши сабабли "ДнепрАзот" корхонаси хлор етказиб беришни тўхтатди. Шу боис, баъзи корхоналардаги хлор захираси 20 кунга етади, холос.*



Маълумотларга қараганда тоза ичимлик суви етишмовчилиги натижасида, Украина давлатидаги "Coca-cola" ва "Pepsi" заводлари ёпилиши мумкин. Аниқланишича, ишлаб чиқариш корхоналарида хлор захираси йўқ. Хавфсизлик тизимидан келиб чиққан ҳолда, корхона ўз ҳудудида хлор сақлай олмаслиги маълум бўлди. Айни шу ҳолат корхонанинг ёпилишига сабаб бўлиши мумкин.

## САРАТОНГА САБАБ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ

*АҚШнинг Миссури штатида "Johnson & Johnson" компаниясига катта миқдорда жарима белгиланди. Бунга компаниянинг "Johnson Baby Powder" маҳсулоти саратон касалини келтириб чиқарганлиги даъвоси бўйича судга қилинган мурожаат сабаб бўлди.*



Суд жараёнлари давомида маҳсулот таркибида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган асбет моддаси аниқланган. Шу асосда аёлларда саратон касаллиги келиб чиққанлиги ойдинлашди. Даъво ариза вафот этган 22 нафар аёлнинг оиласи томонидан берилган эди. Ундирилган пуллар уларнинг оила аъзоларига тақсимлаб берилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти асбетни саратоннинг бир неча турига сабаб бўладиган модда сифатида таъкидлаган. Бугунги кунда ушбу модда 60 дан ортиқ давлатларда тақиқланган.

**Интернет хабарлари асосида**
**Зулфизар МАМАДАЛИЕВА тайёрлади.**

Шанба сабоқлари

## НОШУКРЛИК

– Ҳаммаси жонимга тегди! – деразадан кўчага боққанча эрига сим қоқди аёл.

– Болаларимиз бирам шўхки, бошимни оғритиб юборишди. Вақтлироқ келиб, бундай қарашмасангиз. Ўзимга қарашга ҳеч вақтим йўқ. Мен ҳам бундай дугоналаримга қўшилсам, меҳмондорчиликка борсам, бозор айлансам... Қаёқда?! Куни билан шу икки шумтаканинг ортидан югурганим-югурган. Ҳали каттангиз сув тўла челакни ағдаради, ҳали кенжангиз кийимини лой қилиб келади. Асабларим тамом бўлди! Овқат қилишга ҳам вақтим бўлмади...

Гўшакдан кутилган гап айтилди чоғи, аёл сал ҳовуридан тушди.

– Бўпти, кутамиз... Кабобни қиймалисидан олинг, Жаҳонгир яхши кўради.

У гўшакни қўйиб, ташқарига термилди. Нигоҳи сал нарироқда футбол ўйнаётган болаларни кузатиб ўтирган ногирон болага тушди. У кўзлари ёниб, ўйинни ҳавас билан томоша қиларди. Ора-сира аравасини тутиб турган онасига гапириб қўяди.



Бу аёл маҳаллага яқинда кўчиб келган. Эри ўлгандан сўнг шугина яримжон ўғли билан ёлғиз қолган экан. Камига қайнонаси уйдан ҳайдаб солибди, шу ерда бир кампирникида ижарада туришади. Аёл ўзини беихтиёр шу ожиза билан таққослади. Бошида меҳрибон эри, икки соғлом ўғли бор, уй-жойи тўкис. Қайнона-қайнотасидан яхши одам йўқ, ота-онаси ҳам омон. Ўзи эса гулдек ҳунарли, бўш вақтида парда тикади. Яна... яна ҳаммаси жонимга тегди, дейишга ҳаққи бормикан? Унда мана бу бечора аёл нима десин?

Зум ўтмай, бояги аёл нимтабассум билан ўғлининг аравасини ҳайдаб, уйига кириб кетди. Балки у шукр қилар, ўғли ногирон бўлса-да, тириклиги, ёнидалигидан бахтлидир.

Ўз-ўзидан уялиб кетган аёл дарҳол ошхонага ўтди...

**Нодира ИБРОҲИМОВА**

*Ҳажвчи бисотидан*

## ЧЎЗ, ҲО ЧЎЗ!

Хе, чўзмай кет! Чўзмай ҳар бало бўлгур! Илоё, чўзмай чўзилгур! Нима қилардинг чўзиб-чўзиб, нима қилардинг чўзишга ўргатиб? Охир-оқибат ўзинг ҳам чўзилдинг, чўздириш касалига йўлиққан чўзмачи бошлиқни ҳам ўлик илондай чўздинг. Шу чўзилганича чўзилиб ётибди, чўзилгур!

Чўзиш ҳам касаллик, чўздириш ҳам. Биров қоғозга ўраб чўзади, биров конвертга солиб чўзади. Биров совға усулида, бошқа биров тўёна қилиб чўзади. Яна биров билдириб чўзади, бошқаси сездирмай чўзади. Биттаси узун-узун қилиб, биттаси қисқа-қисқа, яна биттаси лўнда-лўнда қилиб чўзади. Аввалига муштдай-муштдай, кейинига ғиштдай-ғиштдай чўзади. Бирови бутун чўзади, бошқаси лағмондай чўзиб-чўзиб чўзади. Биттаси ётиб чўзади, биттаси сотиб чўзади.

Энди чўздиришнинг ҳам усуллари мўл, йўллари бениҳоя сероб. Бу шундай даҳшатли русумки, чўзмасанг ўзинг мажбур бўласан чўзишга. Истасанг-истамасанг чўздиришади. Энг ёмони, чўзганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Ошхонада чўзасан, божхонада чўзасан, касалхонада чўзасан, дорихонада чўзасан. Бозорда чўзасан, етмай қолса наҳорда чўзасан. Гоҳ бездириб, гоҳ бездирмай чўзасан. Ортиб қолсаям, етмай қолсаям чўзасан, ҳолинг етмасада чўзасан. Баъзан уйқусираб, баъзан босинқираб, баъзида уйғоқ ҳолда кўриб-билиб чўзасан. Гоҳ ошна-оғайни ёрдамида, гоҳ таниш-билиш кўмагида чўзасан...



Қачон қутуламиз чўз-чўз офатидан, қачон чўздириш касали барҳам топади? Наҳотки, чўз-чўзнинг зиёни ўзимизга тегаётганлигини билмасак, наҳотки, чўз-чўз туфайли ҳаром-хариш кўчаларда чўзилиб юрганимизни сезмасак? Катта-кичик чўз-чўзлар, майда-йирик чўздиришлар диллар бойлигини емиради, талон-торож қилади.

Келинг, ақл-фаросатни йиғайлик, тезроқ чўз-чўз касалидан фориғ бўлайлик. Авлодларимизга бундай ярамас иллатни мерос қолдирмайлик. Чўз, ҳо чўзни чўздирмайлик, пок виждонни тўздирмайлик, инсоф уйин буздирмайлик.

**Ашурали ЖЎРАЕВ**

Табассум ва тафаккур

### Тушликкача бўлган вақт

Альберт Эйнштейндан унинг машҳур нисбийлик назариясини соддароқ тарзда тушунтириб беришларини сўрашади.

– Бунинг ҳеч қандай қийин жойи йўқ, – дейди олим кулимсираб. – Мана, масалан, ҳаётнинг оқар сувдек тез ўтиб кетишини ҳамма билади, аммо тушликкача бўлган вақт жуда секин ўтади. Демак, дунёда ҳамма нарса нисбий!

### Тузалганда ёзолмайди

Касал ётган Бернард Шоуни бир дўсти йўқлаб келса, адиб каравотда ўтириб ёзаётган экан.

– Шундай аҳволда қандай ишлаяпсиз? – ҳайрон бўлибди дўсти.

– Тузалганимдан кейин вақтим бўлмайди-да, – деб жавоб берибди ёзувчи.

### Ходимлар нега йўқ?

Марк Твеннинг ити йўқолиб қолибди. Ёзувчи итини топганга 200 доллар мукофот бериши ҳақида газетага эълон берибди. Кейинроқ, бирон янгилик бормикин, дея таҳририятга борса, у ерда ҳеч ким йўқ эмиш.

Адиб ҳайрон бўлиб сўрабди:

– Ходимлар қаерда?

– Кеча бир жаноб "Итимни топган одамга мукофот бераман", деб эълон берган экан, ҳамма ўша итни қидириб кетиб қолди.

### Шубҳали одам

Хэмингуэй одмигина кийиниб юрар, автомобили ҳам эскигина эди. Шу аҳволда у бир куни йўл-йўлакай меҳмонхонада тўхтаб, хизматкордан тамадди қилишга бирон егулик сўрайди.

– Ҳисоб-китоб қилишга бирон нарсангиз борми ўзи? – деб сўрайди хизматкор унга тикилиб қараркан.

Ёзувчи индамай чўнтагидан бир даста тахи бузилмаган доллар чиқаради.

– Ичкарига киринг! – дейди хизматкор ва бошлиғига бориб, шундай деб пичирлайди: – Шубҳали бир одам келди, чамаси, банкни ўмарганга ўхшайди, тезда полицияга хабар қилиш керак!

### Сал қолди...

Кунлардан бир кун Фолкнер шотландиялик бир мухлиснинг ғалати эътирофи унга Нобель мукофотини олгандан ҳам кучлироқ таъсир қилганини айтади. Ўшанда мухлис шундай деган экан:

– Жаноб Фолкнер! Сизнинг романингиз менга шунчалик ёқдики, уни сотиб олишимга сал қолди.



## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 21 июль куни Тошкентда ҳаво кам булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 23-25, кундузи 39-41 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво кам булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 16-21, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
12 598 нусхада чоп этилди

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва оператор Т. Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Абдусалим МАҲМУДОВ
Навбатчи Эрали НОРБЕКОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-2005. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.10.